

O'zbekiston Respublikasi, 100029, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 24-uy
tel.: (0-371) 252-21-18, faks: (0-371) 256-47-97, E-mail: info@sfp.uz, www.kasaba.uz, sfpu@exat.uz

№ БМ – 05/775

« 06 » июнь 20 23 yil

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
Vazirliklar va idoralar**

**Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i
Kengesi, viloyatlar va Toshkent shahar
hokimliklari**

**Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha uch
tomonlama komissiya a'zolari**

(ro'yxat asosida)

**Tarmoq kasaba uyushmalari Respublika,
O'zbekiston kasaba uyushmalari
Federatsiyasining Qoraqalpog'iston, viloyatlar,
Toshkent shahar Kengashlari**


O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi shu yilning 30-31 may kunlari Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha respublika uch tomonlama komissiyasining navbatdagi majlisi o'tkazilganligini ma'lum qiladi.

Yig'ilishda respublika komissiyasi tomonidan bir qator masalalar ko'rib chiqildi va ular bo'yicha qabul qilingan qaror va bayonnoma bilan tasdiqlangan ilovalari amaliy ishda foydalanish uhcun yuborilmoqda (ilova qilinadi).

Shu bilan birga, Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha uch tomonlama komissiya a'zolaridan yuqoridagi bayonnomada keltirilgan vazifalar bajarilishini ta'minlash so'raladi.

Ilova: komissiyaning 2023-yil 31-maydagi 3-sonli bayonnomasi **53** varaqda.

O'zbekiston kasaba uyushmalari
Federatsiyasi raisi o'rinbosari,
Uch tomonlama komissiya a'zosi



B. Maxmadaliyev

“ТАСДИКЛАЙМАН”



Ижтимоий-меҳнат масалалари
бўйича республика уч томонлама
комиссияси раиси
Қ.Рафиқов

2023 йил 31 май

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси мажлисининг 3 -сонли БАЁННОМАСИ

2023 йил 30-31 май

Тошкент вилояти
“Севарсой” санаторийси

Иштирок этганлар:

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича
республика уч томонлама комиссияси
аъзолари, таклиф этилганлар (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

I. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг шахсий таркиби, котибияти ва доимий ишчи гуруҳлари тўғрисида

(М.Ҳалилова, Р.Турдибоева ва бошқалар)

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг шахсий таркиби, котибияти ва доимий ишчи гуруҳлари таркиби муҳокама қилинди.

Жумладан, 2023 йил 1 январдан Ўзбекистонда ҳукуматга бўйсунувчи мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари сони 61 тадан 28 тага қисқартирилди. Шу билан бирга, вазирликлар сони 25 тадан 21 тага қисқартирилади, 20 та идора тўлиқ тугатилади. Шунингдек, айрим вазирлик ва идоралар фаолияти мужассамлаштирилди ва номлари ўзгарди.

Шу муносабат билан, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси аъзоларида, комиссия котибияти ва доимий ишчи гуруҳлари таркибида ўзгаришлар юзага келганлиги таъкидланди ва мазкур ўзгаришларни тасдиқлаб олиш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб, **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси қарор қилади:**

1. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг таркиби **1-иловага**, раҳбарияти, котибияти ва доимий ишчи гуруҳлари таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Доимий ишчи гуруҳлар раҳбарларидан иқтисодиёт, ҳуқуқ, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳалардаги етук мутахассислар ва олимларни жалб қилган ҳолда ўз ишчи гуруҳлари таркибини шакллантириш ва комиссия иш режасида белгилаб берилган вазифалар сўзсиз бажарилишини таъминлаш сўралсин.

II. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг регламенти лойиҳаси тўғрисида

(М.Ҳалилова, Р.Турдибоева, М.Исаев ва бошқалар)

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг регламенти лойиҳаси таништириб ўтилди ва муҳокама қилинди.

Хусусан, Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 57-моддасида “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий, тармоқ ва республика комиссияларининг фаолияти тегишли комиссиянинг биринчи мажлисида тарафларнинг келишуви билан тасдиқланадиган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия регламентига биноан амалга оширилади”, деб белгиланганлиги, шу муносабат билан комиссия регламенти ишлаб чиқилганлиги, комиссия аъзоларига олдиндан етказилганлиги ва уни комиссия мажлисида тасдиқлаб олиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб, **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси қарор қилади:**

1. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг регламенти **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Регламент тасдиқланган кундан эътиборан комиссиянинг фаолияти унда белгилаб берилган тартиб-таомилга биноан олиб борилсин.

3. Комиссия аъзоси Н.Гаибназаровага котибият кўмагида Комиссия фаолиятини оммалаштириш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида канал таъсис этиш ва уни юритиб бориш топширилсин.

III. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда 2021-2025 йилларга мўжалланган Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирлари режасининг ижроси тўғрисида

(М.Ҳалилова, Г.Алексадрия, Е.Кокоева, Р.Турдибоева, А.Нурулдинова ва бошқалар)

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда 2021-2025 йилларга мўжалланган Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирлари режасининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Мамлакат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, уларни амалиётга босқичма-босқич татбиқ қилиш мақсадида 2022-2023 йилларга мўжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро меҳнат нормалари қўлланишини таъминлаш;

меҳнатни тартибга солиш, меҳнат инспекцияси ва меҳнат муҳофазаси;

ёшлар, аёллар ва аҳолининг заиф гуруҳлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратиладиган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш;

аҳолининг энг заиф қатламлари учун сифатли ва инклюзив кўникмаларни ривожлантириш ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;

ижтимоий мулоқотни ҳамда ижтимоий шерикларнинг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Лекин йўл харитасида белгиланган айрим тадбирларнинг бажарилиши белгиланган муддатларда таъминланмаяпти.

Жумладан:

- “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” ва “минимал истеъмол бюджети” меъёрларининг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

- илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш услубиётини такомиллаштириш;

- аҳолининг энг заиф қатламлари учун иш ўринларини яратишни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ижтимоий суғурта тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича етарли ишлар олиб борилмади.

Шу сабабли, мажлисда чора-тадбирлар режасининг ижроси тўғрисидаги ахборот тингланиб, тегишли вазифаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб,

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси қарор қилади:

1. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда 2021-2025 йилларга мўжалланган Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирлари режасининг ижроси тўғрисида”ги масала юзасидан ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда қуйидаги тадбирларнинг бажарилиши белгиланган муддатларда амалга оширилмаётганлиги таъкидлаб ўтилсин:

- “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” ва “минимал истеъмол бюджети” меъёрларининг қонун ҳужжатларида мустақамланишига кўмаклашиш;

- илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш услубиётини такомиллаштириш;

- аҳолининг энг заиф қатламлари учун иш ўринларини яратишни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ижтимоий суғурта тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.

3. Чора-тадбирлар режасининг юқорида кўрсатиб ўтилган, баражилмай қолаётган тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар тезкор амалий чоралар кўрсин.

IV. Норасмий иқтисодиёт ва бандликнинг тарқалиши кўламини, шакллари ва ҳаракатлантирувчи омилларини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш натижалари тўғрисида

(М.Ҳалилова, А.Сенгупта, Р.Турдибоева, Б.Махмадалиев, З.Юнусова, М.Исаев, А.Нуруддинова ва бошқалар)

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Норасмий иқтисодиёт ва бандликнинг тарқалиши кўламини, шакллари ва ҳаракатлантирувчи омилларини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш натижалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Муҳокамаларда норасмий иқтисодиёт, норасмий бандлик малакат тараққиёти, ривожланишига салбий таъсир қиладиган омиллардан бири эканлиги, шунингдек, норасмий тарзда банд бўлган фуқароларнинг, айниқса хотин-қизларнинг, ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси кафолатланмаганлиги, бу йўналишда норасмий бандликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишларда комиссия ўз фаоллигини ошириши лозимлиги қайд этилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб,

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси қарор қилади:

1. Норасмий иқтисодиёт ва бандликнинг тарқалиши кўламини, шакллари ва ҳаракатлантирувчи омилларини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан “Development Pathways Ltd.” халқаро консалтинг фирмасининг гендер масалалари бўйича катта мутахассиси Анашуя Сенгуптанинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тегишли вазирликлар ва идораларга тадқиқ натижаларидан келиб чиқиб қилинган хулосаларни амалий ишда қўллаш тавсия этилсин (*илова қилинади*).

3. Республикада норасмий бандликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишларда Комиссия аъзолари ўз ташкилотлари фаоллигини кучайтирсин.

V. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллаш борасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши тўғрисида

(Б.Махмадалиев, Н.Гаибназарова, Н.Сулейманова, З.Юнусова, К.Халиков, Э.Маргишвили, М.Исаев, Г.Махмудова ва бошқалар)

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллаш борасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши тўғрисида томонларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси кучга киргандан сўнг айрим меърий ҳужжатларни янгилаш, айримларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти туғилмоқда, кодексни амалиётда қўллаш бўйича қўлаб саволлар туғилмоқда.

Ушбу кодекс нормаларини тарғиб қилиш бўйича ижтимоий шериклар томонидан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларида учрашувлар, семинарлар, тарғибот ва тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Комиссия аъзолари томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида қўлаб янги нормалар акс этгани ва бу ўзгаришларни, уларни қўллаш бўйича тавсияларни барча ташкилотлар раҳбарлари ҳамда улардаги меҳнаткашлар эътиборига етказиш, мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан ишларни жадаллаштириш жуда муҳимлиги қайд этиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб, **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси қарор қилади:**

1. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллаш борасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерациясининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Барча вазирлик ва идоралар раҳбарларидан ўз тизимидаги ташкилотларда Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллаш борасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, семинарлар ташкил қилиш сўралсин.

VI. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келишиб бериш юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида

(Б.Махмадалиев, К.Халиков, Э.Маргишвили, М.Исаев, Р.Бедилов, Г.Махмудова ва бошқалар)

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилиши - мамлакат ривожланишида уч томонлама (яъни давлат органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари ўртасидаги) ижтимоий мулоқот бундан буён ҳал қилувчи аҳамият касб этишининг ёрқин ишораси сифатида баҳоланди.

Меҳнат соҳасига алоқадор 25 дан ортиқ ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар лойиҳалари айнан Республика уч томонлама комиссияси фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши белгилаб қўйилгани ушбу соҳада ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари инобатга олиншини кафолатлайди.

Биринчи навбатда – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланадиган рўйхат келишиб бериш учун кўриб чиқилди *(шундан сўраб)*.

Меҳнат кодексининг 500-моддасига мувофиқ транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши лозим.

Мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Келишиш учун комиссияга киритилгунга қадар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ва Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича хулосаси олинган.

Иккинчи навбатда – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ходимлари учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлигини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ходимлари учун Меҳнат Кодексининг 501, 218-моддаларига асосан белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътили ва қўшимча таътиллار давомийлиги бўйича ҳужжат келишиб бериш учун кўриб чиқилди *(илова қилинади)*.

Маълумки, Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 501-моддасига мувофиқ Педагог ходимлар иш вақтининг аниқ давомийлиги ва йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан таълим соҳаси ходимлари учун узайтирилган таътиллار муддатлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб, **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси қарор қилади:**


1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси билан тасдиқланадиган рўйхат Меҳнат кодексининг 500-моддасига мувофиқ келишиб берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари тизими ходимлари учун йиллик узайтирилган меҳнат таътиллари муддатлари Меҳнат кодексининг 501-моддасига мувофиқ келишиб берилсин.

Ушбу баённома Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси аъзоларига, манфаатдор вазирликлар ва ташкилотларга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилсин.

Комиссия котибияти аъзоларига мазкур баённомада белгиланган
вазифалар ижросини мувофиқлаштириб бориш топширилсин.

Ижтимоий-меҳнат масалалари
бўйича республика уч томонлама
комиссияси ҳамраиси


Б.Мусаев

Ижтимоий-меҳнат масалалари
бўйича республика уч томонлама
комиссияси ҳамраиси


И.Хайдаров


(Т. Ҳужумов)


М.Муродов

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама
комиссиясининг мажлиси иштирокчилари
РЎЙХАТИ**

2023 йил 30-31 май

Тошкент вилояти
“Севарсой” санаторийси

№	Ф.И.О	Лавозими
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматидан		
1.	Турдибоева Раъно Эшовна	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари
2.	Халиков Камол Хамидович	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат хизматларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси раҳбари ўринбосари
3.	Рахимқулов Фарход Абдурауфвич	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи
4.	Юлдашев Зойир Тошканович	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи
5.	Ниязметова Гулрух Қураловна	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари
Республика қасаба уюшмалари бирлашмаларидан		
6.	Махмадалиев Бахтиёр Хасанович	Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари
7.	Бедилов Равшан Мелсович	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси
8.	Халилова Мавжуда Хамдамовна	Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси
9.	Гаибназарова Нодира Баҳодиржановна	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири
10.	Исаев Махмуджон Ниматович	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

Иш берувчиларнинг республика бирлашмаларидан		
11.	Юнусова Замира Гафаровна	Ўзбекистон иш берувчилари конфедерацияси бошқарма бошлиғи
12.	Рўзибоев Собитжон Сойибжонович	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи
13.	Махмудова Гулнора Гуломназаровна	“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси раиси
14.	Мусаева Гавҳар Муҳаммаджоновна	Ўзбекистон банклар ассоциацияси Департамент директори
15.	Маргишвили Эка Сергеевна	Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси Ижрочи директори
Қўшимча таклиф этилганлар		
16.	Нурулдинова Адиба Газиёвна	Меҳнат бозори тадқиқотлари институти директорининг ўринбосари
17.	Сулаймонова Нозима Султоновна	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси инспектори
18.	Абдуллаев Шахбоз	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари иш юритувчиси
19.	Абдуллаев Азамат Ахмаджонович	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси
20.	Раҳманов Руслан Шавкатович	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси
21.	Озодбеков Исломбек Улуғбек ўғли	Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси Халқаро ишлар бошқармаси бошлиғи
Онлайн тарзда иштирок этганлар		
22.	Гоча Александрия	ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Бюросининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича катта мутахассиси
23.	Елена Кокоева	ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Бюросининг дастурларни режалаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича катта мутахассиси
24.	Анашуя Сенгупта	“Development Pathways Ltd” халқаро консалтинг фирмасининг гендер масалалари бўйича катта мутахассиси

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама
комиссиясининг
ТАРКИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматидан

- | | | | |
|------------------------------------|---|---|---------------|
| Мусаев Бехзод
Анварович | - | Ўзбекистон Республикаси
Қисқартириш ва бандлик вазири | Камбағалликни |
| Каримов Анвар
Расулович | - | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия
вазирининг ўринбосари | |
| Мелиев Худоёр
Хуррамович | - | Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирининг ўринбосари | |
| Баситханова
Эльмира Иркиновна | - | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
вазирининг ўринбосари | сақлаш |
| Икрамов Агзам
Анварджонович | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги раисининг ўринбосари | |
| Одинаев Қудратилло
Асатуллаевич | - | Ўзбекистон Республикаси
Қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат
меҳнат инспекцияси бошлиғи | Камбағалликни |
| Ниязметова Гулрух
Қураловна | - | Ўзбекистон Республикаси
Қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат
меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари | Камбағалликни |

Республика қасаба уюшмалари бирлашмаларидан

- | | | | |
|------------------------------------|---|---|--|
| Рафиқов Қудратилла
Мирсагатович | - | Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси | |
| Махмадалиев
Бахтиёр Хасанович | - | Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси
раисининг ўринбосари | |
| Бедилов Равшан
Мелсович | - | Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба
уюшмаси Республика кенгаши раиси | |
| Халилова Мавжуда
Хамдамовна | - | Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши
раиси | |
| Рахматов Исроил
Қурбанович | - | “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
ходимлари қасаба уюшмаси Кенгаши раиси | |

- | | | |
|--|---|--|
| Гаибназарова
Нодира
Баходиржановна | - | Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
аппаратининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими
мудири |
| Исаев Махмуджон
Ниматович | - | Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
аппаратининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-
иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими
мудири |

Иш берувчиларнинг республика бирлашмаларидан

- | | | |
|-------------------------------------|---|--|
| Хайдаров Илхом
Ўтқурович | - | Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси раиси |
| Вахобов Даврон
Абдужалолович | - | Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси |
| Хаитов Ақтам
Ахматович | - | Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси |
| Махмудова Гулнора
Ғуломназаровна | - | “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар
уюшмаси раиси |
| Абдуллаев Улуғбек
Тоҳирович | - | Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси
раиси |
| Хамидов Бахтиёр
Султанович | - | Ўзбекистон банклар ассоциацияси бош директори |
| Хурсанов Абдулла
Холмурадович | - | “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ
бошқаруви раиси |
| Маргишвили Эка
Сергеевна | - | Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси
Ижрочи директори |

Ижтимоий-меҳнат масалалари
бўйича республика уч томонлама
комиссияси мажлисининг 2023 йил
31 майдаги 3-сонли мажлис
баёнига 2-илова

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама
комиссиясининг раҳбарияти, котибияти ва доимий ишчи гуруҳлари
ТАРКИБИ**

Т/с	ФИШ	Лавозими	Уч томонлама комиссияда вазифаси
Раҳбарият			
1.	Мусаев Беҳзод Анварович	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири	Комиссия ҳамраиси
2.	Рафиқов Қудратилла Мирсагатович	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси	Комиссия раиси
3.	Хайдаров Илхом Ўтқурович	Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси раиси	Комиссия ҳамраиси
Котибият			
4.	Ниязметова Гулруҳ Кураловна	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари	Котибият аъзоси, Ҳукумат тарафи мувофиқлаш- тирувчиси
5.	Исаев Махмуджон Ниматович	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси апаратининг меҳнаткашларнинг ижтимоий- иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири	Котибият аъзоси, Ходимлар тарафи мувофиқлаш- тирувчиси
6.	Маргишвили Эка Сергеевна	Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси Ижрочи директори	Котибият аъзоси, Иш берувчилар тарафи мувофиқлаш- тирувчиси

I. Бош жамоа келишувини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ			
7.	Одинаев Кудратилло Асатуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
8.	Махмадалиев Бахтиёр Хасанович	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
9.	Хаитов Ақтам Ахматович	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
II. Халқаро меҳнат нормаларини қўллашга қўмаклашиш учун учтомонлама маслаҳатлашувларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ			
10.	Каримов Анвар Расулович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
11.	Халилова Мавжуда Хамдамовна	Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
12.	Хамидов Бахтиёр Султанович	Ўзбекистон банклар ассоциацияси бош директори	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
III. Жамоавий меҳнат низоларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ			
13.	Мелиев Худоёр Хуррамович	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
14.	Гаибназарова Нодира Баҳодиржановна	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
15.	Абдуллаев Улуғбек Тоҳирович	Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
IV. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳ			
16.	Икромов Ағзам Анварджонович	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги раисининг ўринбосари	Ишчи гуруҳ ҳамраиси

17.	Рахматов Исроил Қурбанович	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
18.	Хурсанов Абдулла Холмурадович	“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
V. Бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича ишчи гуруҳ			
19.	Баситханова Эльмира Иркиновна	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
20.	Бедилов Равшан Мелсович	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси
21.	Махмудова Гулнора Ғуломназаровна	“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси раиси	Ишчи гуруҳ ҳамраиси

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг регламенти

Умумий қоидалар

1. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссияси (кейинги ўринларда “Комиссия” деб юритилади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида”ги 553-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур регламентга амал қилади.

2. Комиссия меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи бўлиб, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

3. Комиссия ваколатларининг муддати Бош жамоа келишувини тайёрлаш ва унинг амал қилиш муддатига белгиланади.

4. Тарафлар янги Бош жамоа келишуви лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилганда, улар Меҳнат кодексининг 48 - 51-моддаларида белгиланган тартибда янги Комиссия тузадилар. Айни пайтда, тегишли томоннинг қарори билан аввалги Комиссия аъзоси бўлган шахслар ҳам янги Комиссия таркибига киритилиши мумкин.

5. Қуйидагилар Комиссия ишининг асосий шакллари ҳисобланади:

Комиссия мажлислари;

Комиссия ишчи гуруҳларининг мажлислари;

Комиссия ишчи органи (Котибияти) мажлислари;

ўзаро маслаҳатлашувлар (жамоавий музокаралар).

6. Қуйидагилар Комиссия фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади:

қонунийлик;

коллегиаллик;

шаффофлик;

раисликнинг ротацияси.

7. Комиссия фаолияти билан боғлиқ харажатларни тарафлар ўзаро келишув бўйича қоплайдилар.

Комиссиянинг таркиби ва тузилиши

8. Комиссия Ўзбекистон Республикаси меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тарафларининг қуйидаги тенг сонли вакилларида иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, Иқтисодий ривожланиш ва молия, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси вакиллари);

аъзоларининг сони энг кўп бўлган ходимлар бирлашмалари (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ касаба уюшмаси кенгаши вакиллари);

аъзоларининг сони энг кўп бўлган иш берувчилар бирлашмалари (Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерациясига аъзо ташкилотлар вакиллари).

9. Қуйидагилар Комиссиянинг ҳамраислари ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси Ижроия қўмитаси раиси.

10. Комиссияга ҳамраислар орасидан уч йил муддатга сайланадиган раис раҳбарлик қилади. Комиссияга раислик қилиш уч йилда бир марта ротация асосида ҳамраислардан бирига ўтади.

11. Комиссия раиси:

Комиссия мажлисларида раислик қилади;

Комиссия иш режасига таклифлар киритади;

Комиссия мажлисларини чақиради, Комиссия, унинг ишчи органлари фаолиятини, мажлисларда кўриб чиқиладиган масалалар тайёрланишини ва қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этади, шунингдек, ҳар чоракда тарафларни уларнинг бажарилиш жараёнидан хабардор қилади;

тарафлар ҳамкорлигига ва Комиссия қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда улар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади;

Комиссия ишида иштирок этиш учун уларнинг таркибига крмайдиган мансабдор ва бошқа шахсларни таклиф қилади;

Комиссия қарорларини имзолайди;

зарур ҳолларда Комиссия ишига мутахассислар ва экспертларни жалб қилади;

Конституцияга ёки қонунга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин;

ўз ваколатлари доирасида бошқа функцияларни бажаради.

12. Комиссия ҳамраислари:

раис йўқлигида Комиссия мажлисларини навбатма-навбат олиб борадилар;

Комиссия қарорларини имзолайдилар;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини белгиланган тартибда таъминлайдилар.

13. Тарафларнинг ҳар бири ўз тарафи мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажариш учун Комиссия аъзолари орасидан Котибият аъзосини тайинлайди.

Комиссия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Комиссия аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва Комиссия қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

Комиссия ва доимий ишчи гуруҳлар мажлисларида кўриб чиқиш учун Комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари раҳбарларига, шунингдек, бевосита ташкилотларга Комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан сўровлар билан мурожаат қилиш;

муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан ўз фикрини билдириш;

қабул қилинадиган қарордан норози бўлган тақдирда, Комиссия қарорига ўзининг алоҳида ёзма фикрини илова қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари, статистика, ахборот ва маълумотнома материаллари билан белгиланган тартибда танишиш.

15. Комиссия аъзолари:

Комиссия фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши;

Комиссия қарорини ижро этишга кўмаклашиши;

касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини Комиссия фаолияти ва Бош жамоа келишуви ижросининг боришидан мунтазам хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигига риоя қилиши ва уни ошкор этмаслиги шарт.

Комиссиянинг ишчи гуруҳлари

16. Комиссия таркибида қуйидаги доимий ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин:

Бош жамоа келишувини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича;

халқаро меҳнат нормаларини қўллашга кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувларни ўтказиш бўйича;

жамоавий меҳнат низоларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича (меҳнат арбитражи);

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича;

бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича.

17. Доимий ишчи гуруҳларга комиссия аъзолари орасидан уч нафар ҳамраҳбарлар тенглик асосида раҳбарлик қилади.

18. Доимий ишчи гуруҳларнинг таркиби иқтисодиёт, меҳнат ҳуқуқи, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги мутахассислар орасидан уларнинг комиссияга аъзолигидан қатъи назар тузилади ва комиссия мажлисида тасдиқланади.

19. Доимий ишчи гуруҳлар фаолияти уларнинг ҳамраҳбарлари томонидан тасдиқланадиган йиллик иш режалари асосида амалга оширилади.

Доимий ишчи гуруҳлар ўз ваколатларига киритилган масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича тавсиялар шаклида қарорлар қабул қилади. Тавсиялар ишчи гуруҳ мажлисида унинг ҳамраҳбарлари ўртасида келишувга эришиш орқали тасдиқланади.

20. Доимий ишчи гуруҳлар мажлислари, агар уларда ишчи гуруҳ аъзолари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

21. Доимий ишчи гуруҳларнинг у ёки бу масалалар бўйича берган тавсиялари қарорлар қабул қилиш учун Комиссия мажлисларида кўриб чиқилади.

22. Жамоавий меҳнат низоларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи меҳнат арбитражи сифатида қатнашаётган ҳолларда унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

23. Комиссия доимий ишчи гуруҳининг ҳамраҳбарлари:

ишчи гуруҳ мажлисларини навбатма-навбат олиб борадилар;

ишчи гуруҳ ишини техник жиҳатдан таъминлаш устидан назоратни амалга оширадилар;

ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган Комиссия қарорлари лойиҳаларига виза қўядилар;

келишган ҳолда иш олиб борадилар ҳамда мазкур Регламент ва “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни бажарадилар.

Комиссия Котибияти

24. Ҳамраисларнинг таклифига биноан Комиссия раиси томонидан тузиладиган Котибият Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади. Котибият ҳар бир тарафдан биттадан вакилни ўз ичига олади.

25. Котибият:

Комиссия мажлисларини тайёрлайди;

Комиссия қарорлари бажарилишини назорат қилади;
Комиссия аъзоларини амалга оширилаётган ишлар тўғрисида хабардор қилади;
Комиссия иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди;
Комиссияда иш юритишни амалга оширади;
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар бирлашмалари, зарур ҳолларда эса - ташкилотлар билан тезкор алоқани амалга оширади;
оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади;
Комиссия фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботлар тайёрлайди;
тезкор қарорлар қабул қилишни талаб қиладиган масалалар юзасидан
Комиссия мажлислари оралиғида тарафлар вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказилади.

26. Котибият Комиссия мажлисига материаллар тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар ҳамраҳбарлари билан келишилган ҳолда Комиссия тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда Комиссия аъзоларини, мутахассислар ва экспертларни жалб қилиши мумкин.

Комиссия ишини режалаштириш

27. Комиссиянинг навбатдаги йил учун иш режаси комиссиянинг жорий йил тўртинчи чорагидаги мажлисида тасдиқланади.

28. Комиссиянинг иш режасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Комиссия мажлислари ўтказиладиган саналар;

Комиссия муҳокамасига тақдим этиладиган масалаларнинг таърифи;

Комиссия мажлисининг кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлаш учун масъул бўлган комиссия аъзолари;

Бош жамоа келишувининг бажарилиши, Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоралари;

Комиссия ишининг техник таъминотига қаратилган чора-тадбирлар.

29. Комиссиянинг иш режасида унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга, республика даражасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган бошқа масалалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

30. Тарафларнинг келишувига кўра Комиссиянинг иш режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

31. Комиссия мажлисларида иш режасига киритилмаган қўшимча масалалар ижтимоий шериклик тарафларининг келишувига кўра кўриб чиқилиши мумкин.

Комиссия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш

32. Комиссия мажлислари иш режасига мувофиқ, бироқ календарь йил давомида камида икки марта ўтказилади.

33. Ижтимоий шериклик тарафларидан ҳеч бўлмаганда биттасининг ташаббуси билан Комиссиянинг режадан ташқари мажлиси ўтказилиши мумкин.

34. Комиссия раисининг қарорига кўра Комиссия, унинг ишчи гуруҳлари ва Котибиятининг мажлислари, шунингдек ўзаро маслаҳатлашувлар шахсан ҳозир бўлиш, видеоконференцалоқа, ёзишмалар алмашинуви, шунингдек аралаш (офлайн ва онлайн) шаклда ўтказилиши мумкин.

35. Комиссия мажлисини ўтказиш жойи, санаси ва вақти тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Йиғилиш кун тартиби Комиссиянинг иш режаси ва ҳамраисларнинг келишилган таклифлари асосида Котибият томонидан шакллантирилади.

36. Мажлисни ўтказиш санаси, вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қарорларнинг тайёрланган лойиҳалари Котибият томонидан Комиссия аъзоларига Комиссия мажлисини ўтказиш белгиланган санадан камида ўн календарь кун олдин тарқатилади.

37. Комиссия мажлиси, агар унда комиссия тарафларининг ҳар биридан белгиланган Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

38. Комиссия аъзосининг мажлисда узрли сабабларга кўра шахсан иштирок этишининг имкони бўлмаган тақдирда, шу аъзони вакил қилган ташкилот уни бошқа вакили билан вақтинча алмаштириши мумкин. Ташкилотнинг ушбу хусусда берилган расмий хатида алмаштириш сабаблари, шунингдек вакил қилинаётган шахснинг исми-шарифи ва лавозими кўрсатилади.

39. Комиссия қарорлари, агар ижтимоий шерикликнинг ҳар бир тарафидан белгиланган вакилларнинг кўпчилиги уларни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Комиссия қарорларини расмийлаштириш ва эълон қилиш

40. Комиссия қарори баённома шаклида қабул қилинади, раис томонидан тасдиқланади, ҳамраислар томонидан имзоланади ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

41. Қарорларни тез қабул қилиш мақсадида Комиссия раиси алоҳида масалалари бўйича сўров орқали Комиссия аъзолари билан келишилган қарорларни тасдиқлаши мумкин.

42. Комиссиянинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларини тарафлар идоравий ички қарорларини қабул қилиш орқали амалга оширади.

43. Комиссия қарорлари улар қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай очиқ фойдаланиш учун оммавий ахборот воситаларида ёки Комиссияга раислик қилувчи ташкилотнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

44. Комиссия қарорлари оммавий ахборот воситаларида ёки Комиссияга раислик қилувчи ташкилотнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Комиссия қарорлари бажарилишини назорат қилиш

45. Комиссия қарорларининг ижросини тарафлар мустақил равишда назорат қилади.

46. Бир йилда камида бир марта Бош жамоа келишувини амалга ошириш якунлари ва Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги масалалар Комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади.

47. Бош жамоа келишувини ва Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш натижалари тўғрисидаги ёзма маълумотлар улар амалга оширилишига қараб тарафлар томонидан Котибиятга юборилади.

**Норасмий иқтисодиёт ва бандликнинг тарқалиши кўламини,
шакллари ва ҳаракатлантирувчи омилларини гендер нуқтаи
назаридан тадқиқ қилиш натижаларидан қилинган
ХУЛОСАЛАР**

1. Солиқлардан молиялаштириладиган ва бадални ўз ичига олган кўп босқичли ижтимоий таъминот тизими орқали универсал қамровни таъминлаш. Кекса ёшдаги пенсияга ўхшаб, кўп босқичли оналик ва ишсизлик нафақалари ҳамжиҳатликнинг танқидий концепциясига асосланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолини универсал қамраб олиш учун амалга оширилиши мумкин.

2. **Прогрессив солиққа тортиш орқали фискал даромадларни кенгайтириш.** Ижтимоий ҳимоя учун фискал майдонни прогрессив солиқ тизими (кўпроқ даромад, кўпроқ тўлаш) орқали кенгайтириш керак. Прогрессив солиққа тортиш аҳоли ўртасида бирдамликни мустаҳкамлайди, шунинг учун у расмийга ўтиш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

3. **Расмийга ўтишни қўллаб-қувватлаш учун тегишли рағбатлар** мавжуд бўлиши керак, масалан, ижтимоий мулоқот, Фаол меҳнат бозори сиёсати ва асосий хизматлар ва имтиёзлардан универсал фойдаланиш.

4. **Янги Меҳнат кодексига мувофиқ, ривожланаётган тармоқлар ва бандлик шакллари**нинг ҳуқуқий таснифларини янгилаш ва кенгайтириш. Бу тегишли сиёсат ва институционал асосларни ишлаб чиқиш, шу жумладан аниқ маълумотларни тўплаш учун жуда муҳимдир.

5. Ноанъанавий ва заиф шакллардаги меҳнаткашлар учун **инновацион ташкилотлар**, яъни уюшмалар ва кооперативлар ишини тартибга солиш.

6. Бир марталик тренинглар ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш/тадбиркорлик ташаббусларидан ташқари Фаол меҳнат бозори сиёсатини кенгайтириш. Мураббийлик ва устозлик хизматларини, шогирдлик ва хусусий сектор фирмалари билан иш жойидаги тренинглар учун ҳамкорликни жорий этиш.

7. Ўз-ўзини банд қилиш ёки янги касбларга киришга интилаётган ёши каттароқ битирувчилар учун касбий, бизнес ва рақамли кўникмаларга қаратилган Фаол меҳнат бозори сиёсатини жорий этиш.

8. **Ижтимоий суғурта схемаларини белгилаш жараёнида** мослашувчанликка эриши учун аёллар ва меҳнат бозорида узоқ вақт ҳаракатсизлик ёки ишсизликка мойил бўлган шахслар учун тегишли энг кам бадал тўловларини белгилаш.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

O'zbekiston Respublikasi, 100128, Toshkent shahri, Zulfiyaxonim ko'chasi, 3-uy,
tel.: +99871 202-05-00, info@mintrans.uz, mintrans@exat.uz, www.mintrans.uz

2023-y. «22» may

№ 2/3260-3902

«__» ____ 20__ r.



**O'zbekiston Respublikasi Kasaba
uyushmalari federatsiyasi raisi –
Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha
uch tomonlama komissiya raisi
Q.M. Rafikovga**

Hurmatli Qudratilla Mirsagatovich!


O'zbekiston Respublikasi Kasaba uyushmalari federatsiyasining 2023-yil 18-maydagi BM-05/650-son xatiga binoan, manfaatdor vazirlik va idoralar tomonidan taqdim etilgan takliflarga muvofiq qayta ishlab chiqilgan Vazirlar Mahkamasining "Transport vositalarini boshqarish yoki transport vositalarining harakatlanishini boshqarish bilan bevosita bog'liq ishlar, kasblar, lavozimlar ro'yxatini tasdiqlash haqida"gi qarori loyihasi **joriy yilning 30-31 may kunlari** bo'lib o'tadigan Ijtimoiy-mehnat masalalari bo'yicha uch tomonlama komissiyasining majlisida ko'rib chiqilishi uchun kiritilmoqda.

Vazir o'rinbosari



A.Muminov

Ijr.: Alimbayeva G.
tel.: 202-05-00 (048)



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг
ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар,
лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасига**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 500-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 1 ноябрдаги 02/1-2798-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур қарор лойиҳаси билан Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхати (кейинги ўринларда - Рўйхат) тасдиқланмоқда.

Рўйхат тўртта бўлимдан иборат бўлиб, транспортнинг барча турларини (автомобиль, темир йўл, дарё транспорти, фуқаро авиацияси) қамраб олмақда.

Рўйхатга киритилган транспорт ходимлари ишга қабул қилинаётганда касбий тайёргарликдан ўтганлиги ва касбий тайёргарликдан ўтганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатга (диплом, шаҳодатнома, гувоҳнома ва ҳоказо) эга бўлиши лозим, ишга қабул қилиниш чоғида (дастлабки) ва иш жараёнида (даврий) мажбурий тиббий кўриклардан ўтади, уларга транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ишда ўриндошлик асосида ишлашга рухсат этилмайди ҳамда уларнинг меҳнатини қўллаш чоғида иш берувчилар мазкур ходимлар учун қонунчиликда белгиланган иш вақти ва дам олиш вақти режимининг, меҳнат шaroитларининг ўзига хос хусусиятларига риоя этиши шарт бўлади.

Мазкур Рўйхат халқаро тажрибани ҳамда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини (ХАЛИКК-2020. O‘zDSt 3513:2021) қўллаган ҳолда шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 500-моддасига мувофиқ Рўйхат Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 553-сон “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, Ўзбекистон иш берувчилари ва ходимлари вакиллари энг кўп бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамраислар ҳисобланади.

Шунингдек, 2023 йил 10 февралда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия раислигига Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қ. Рафиқов сайланган.

Мазкур қарор лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишилнинг ягона электрон тизими (www.project.gov.uz) орқали Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган (*Маълумот учун: www.project.gov.uz тизимидаги вазирлик ва идоралар рўйхатида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси мавжуд эмас*).

Қарор лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида меҳнатига алоҳида талаблар қўйиладиган ҳамда меҳнат шaroитлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган транспорт ходимлари рўйхати шакллантирилади ва ушбу ходимларнинг меҳнат фаолияти назоратга олинади.

Қарор лойиҳасининг қабул қилиниши қўшимча молиявий маблағларни талаб қилмайди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиявий йўқотишларга олиб келмайди.

Лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарорига асосан гендер-ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилди ва гендер тенглик принципларига мувофиқ бўлмаган нормалар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”нинг 5-бандига мувофиқ мазкур қарор лойиҳаси тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилиши талаб этилмайди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан лойиҳани Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишда зарурият йўқ деб топилди.

Мазкур қарор лойиҳаси ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси билан келишилди ва Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича ҳулосаси олинди.

Қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг
ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар,
лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 500-моддасида транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг
ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар
рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасига
Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича
ЧЕКЛИСТ

Йўналишлар	Коррупциявий омиллар	Жавоблар			Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	бор	йўқ	✓	
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	бор	йўқ	✓	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор	йўқ	✓	
Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор	йўқ	✓	
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор	йўқ	✓	
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги	бор	йўқ	✓	
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	бор	йўқ	✓	
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ	✓	
	Кечиктириб тартибга солиш	бор	йўқ	✓	
	Манфаатлар тўқнашуви	бор	йўқ	✓	
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор	йўқ	✓	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш	бор	йўқ	✓	
	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номуносивбликлар	бор	йўқ	✓	
Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор	йўқ	✓	
	Белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши	бор	йўқ	✓	
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор	йўқ	✓	
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ	✓	
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ	✓	
	Санкцияларнинг номуносивблиги	бор	йўқ	✓	
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	бор	йўқ	✓	
Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ	✓	
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	бор	йўқ	✓	
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор	йўқ	✓	

**Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт
воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бевосита
боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар
РЎЙХАТИ**

**I. Автомобиль, шаҳар ер усти электр транспорти,
саноат транспорти, йўл хўжалиги**

Ишлар

Ушбу бўлимда кўрсатилган касблар ва лавозимлар бўйича бажариладиган ишлар

Касблар

Автомобиль ҳайдовчиси

Автомобиль ҳайдовчиси (енгил)

Автомобиль ҳайдовчиси (юк ташувчи)

Ҳайдовчи-устоз (йўриқчи)

Автомобиль ҳайдовчиси-экспедитор

Автобус ҳайдовчиси

Аэронас ҳайдовчиси

Вездеход ҳайдовчиси

Синовчи-ҳайдовчи

Мототранспорт воситалари ҳайдовчиси

Трамвай ҳайдовчиси

Юк, хизмат, ўқув ва махсус трамвай ҳайдовчиси

Йўловчи трамвай ҳайдовчиси

Транспорт-йиғиштириш машинаси ҳайдовчиси

Троллейбус ҳайдовчиси

Юк, хизмат, махсус троллейбус ҳайдовчиси

Йўловчи троллейбус ҳайдовчиси

Самосвал ҳайдовчиси

Сув сепиш автомашинаси машинисти

Ўзи юрар (патакка олинган) машиналари (қор тозаловчи) машинисти

Юк ортувчи ҳайдовчиси

Электро- ва автотележка ҳайдовчиси

Автобетононасос машинисти

Автогудронатор машинисти

Автокомпрессор машинисти

Автогрейдер машинисти

Булдозер машинисти

Кўчма бетон қориштиргич машинисти

Битумловчи машина машинисти

Бурғилаш-кран ўзиюрар машина машинисти

Йўл-транспорт машинаси машинисти

Пневматик шинали ўзиюрар ва яримприцепли ғалтак машина машинисти

Йўлларни сақлаш ва таъмирлаш учун комбинациялашган машиналар машинисти

Текисловчи жўвали ўзиюрар ғалтак машина машинисти

Автомобиль крани машинисти

Автомобиль йўллариға белги қўйиш машинаси машинисти

Парда ҳосил қилувчи суюклик суртувчи машина машинисти

Мустаҳкамловчи полосалар ўрнатиш машиналари машинисти

Йўл ишларини бажаришда чоклар ўрнатиш машиналари машинисти

Кўчма асфальтобетон қориштиргич машинисти

Асфальтобетон ётқизгич машинисти

Бетон аралашмалар тайёрлашга мўлжалланган кўчма, автоматлаштирилган узлуксиз ҳаракатланувчи қурилма машинисти

Тракторчи

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тракторчиси-машинист

Лавозимлар

Колонна (автомобиль, механизацияланган) бошлиғи

Шаҳар электр транспорти колоннаси бошлиғи

Колонна механиги

Шаҳар электр транспорт колоннаси механиги

Транспортни бошқариш бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси

Ҳайдовчи-устоз (йўриқчи)

Транспорт (ер ости, автомобиль, электро-) диспетчери

Автомобиль транспорти диспетчери

Ҳаракат хизмати диспетчери

Автомобиль (дарё, денгиз) транспорти ҳаракати ва юк ортиш-тушириш ишлари диспетчерлиги оператори

II. Умумий ва умумий бўлмаган фойдаланишдаги темир йўл транспорти, метрополитен

Ишлар

Ушбу бўлимда кўрсатилган касблар ва лавозимлар бўйича бажариладиган ишлар

Касблар

Дрезина ҳайдовчиси

Автомотриса машинисти

Дизель поезд машинисти

Темир йўл — қурилиш машинаси машинисти

Ўзиюрар темир йўл крани машинисти

Локомотив машинисти

Паровоз машинисти
Тепловоз машинисти
Мотовоз машинисти
Электровоз машинисти
Электropоезд машинисти
Тортиш агрегати машинисти
Электрокўчма таркиб машинисти
Эскалатор машинисти
Газ турбинали қурилма машинисти
Дрезина ҳайдовчиси ёрдамчиси
Автомотрис машинист ёрдамчиси
Дизелпоезд машинисти ёрдамчиси
Темир йўл-қурилиш машинаси машинисти ёрдамчиси
Локомотив машинисти ёрдамчиси
Паровоз машинисти ёрдамчиси
Тепловоз машинисти ёрдамчиси
Электровоз машинисти ёрдамчиси
Электрпоезд машинисти ёрдамчиси
Тортиш агрегати машинисти ёрдамчиси
Электр кўчма состав машинисти ёрдамчиси
Экскаватор машинисти
Переезд навбатчиси
Стрелка пости навбатчиси
Поездлар тузувчи
Поездлар тузувчи ёрдамчиси

Лавозимлар

Йўловчи поезда бошлиғи

Метрополитен поездларини қабул қилиш ва жўнатиш бўйича навбатчи

Метрополитен станцияси навбатчиси

Марказлаштириш станцияси пости навбатчиси

Темир йўл станцияси бўйича навбатчи

Поезд диспетчери

Эскалатор хизмати диспетчери

Темир йўл станцияси маневрларни амалга ошириш диспетчери

III. Фуқаро авиацияси

Ишлар

Ҳаво кемалар тўқнашуви ва маневр ҳудудида тўсиқлар билан ҳаво кемаларнинг тўқнашувининг олдини олиш, шунингдек, ҳаво ҳаракатини тартибга солиш мақсадида хизмат кўрсатиш (бошқариш)

Лавозимлар

Парвозлар раҳбари

Парвозлар раҳбари-инспектор

Диспетчер (катта)

Ҳаво ҳаракати бошқармаси диспетчери

Аэродром диспетчерлик пункти диспетчери

Аэродром диспетчерлик (авиация диспетчерлик) пункти диспетчери

Ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича диспетчер-йўриқчи

Парвозларни бошқариш маркази диспетчери

Қўндириш диспетчерлик пункти (доираси, йўлкаси) диспетчери

Туман (жой) диспетчерлик пункти диспетчери

Бошланиш (старт) диспетчерлик пункти диспетчери

Ҳаракат хизмати диспетчер-инспектори

Самолёт ҳаракати бўйича диспетчер-инспектор

Радиолокация ва радионавигация муҳандиси

Алоқа муҳандиси (авиация соҳасида)

Радиолокация бўйича техник

Радионавигация бўйича техник

Алоқа бўйича техник (авиация соҳасида)

Ишлар

Учувчи томонидан бошқариладиган фуқаролик ҳаво кемасини парвоз пайтида бошқариш

Лавозимлар

Бошқарув раиси ўринбосари (учиш ишларини ташкил этиш бўйича)

Департамент директори (учиш хизмати департаменти)

Бўлим бошлиғи (учиш-методик бўлими)

Департамент директори ўринбосари (учиш хизмати департаменти)

Бўлим бошлиғи ўринбосари (учиш-методик бўлими)

Бошқарма бошлиғи ўринбосари (учувчилар таркиби билан ишлаш бўйича)

Бошқарма бошлиғи ўринбосари (парвозлар хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича)

Учувчи

Фуқаро авиацияси учувчиси

Учувчи (иккинчи учувчи)

Ҳаво кемаси иккинчи учувчиси

Ҳаво кемаси командири (учувчиси)-йўриқчи

Учувчи-йўриқчи

Учувчи-йўриқчи услубчи (катта)

Учувчи-инспектор

Парвозлар хавфсизлиги бўйича инспектор-учувчи

Авиация звеноси командири

Авиация эскадриляси командири

Учувчи командирининг ўринбосари

Авиация отряди командири

Учиш хавфсизлиги бўйича инспекция бошлиғи

Учиш бўйича стандартлар бўлими бошлиғи

Парвоз ишларини ташкил этиш бўйича директор ўринбосари

Учувчисиз учиш қурилмалари оператори

Ишлар

Бортдаги штурман томонидан самовий ҳудуддаги ҳолати бўйича бошқариладиган ҳаво кеманинг парвозида навигация

Лавозимлар

Штурман

Фуқаро авиацияси штурмани

Штурман-йўриқчи

Штурман-инспектор

Бош штурман

Ишлар

Бошқариладиган ҳаво кеманинг бортидаги борт муҳандиси (борт механики) томонидан унинг ваколатига кирадиган самолёт тизимларини парвоз пайтида бошқариш

Лавозимлар

Авиация отряди катта борт муҳандиси (механиги)

Авиация отряди борт муҳандиси

Фуқаро авиацияси борт муҳандиси (механик)

Бортмеханик

Парвозлар хавфсизлиги борт муҳандис-инспектори

Борт муҳандис-йўриқчиси

Авиация отряди бортмеханиги

Борт механик-йўриқчи

Учувчисиз аппаратларни бошқариш техниги

IV. Дарё транспорти

Ишлар

Ушбу бўлимда кўрсатилган касблар ва лавозимлар бўйича бажариладиган ишлар

Касблар

Матрос

Помпалар (донкерман) машинисти

Моторчи (машинист)

Кема двигателини мустақил бошқариш мотористи

Совутиш қурилмаларида моторчи (машинист)

Қозонхона қурилмаси машинисти

Сузадиган, ўзи ҳаракатланмайдиган ер сўриш снаряди машинисти

Гидромонитор-эжекторли сузувчи мустақил ҳаракатланмайдиган снаряд машинисти

Қутқарув катери бошқарув мотористи

Кема электриги

Шкипер ёрдамчиси

Механик ёрдамчиси

Радиооператор

Радиотелеграфист

Рулчи (қуйруқчи)

Шкипер

Матрос-ғоввос

Ғаввоз-қутқарувчи

Боцман

Лавозимлар

Порт диспетчери

Флот (гуруҳ) бўйича муҳандис-механик

Флот муҳандис-механиги

Порт капитани

Порт назорати инспектори

Капитан

Механик-капитан

Капитан-механик биринчи ёрдамчиси

Капитан-механик иккинчи ёрдамчиси

Капитан-смена механиги

Старшина

Шкипер

Лоцман

Судоҳайдовчи

Радиостанция бошлиғи

Диспетчерлик хизмати оператори

Автомобиль (дарё, денгиз) транспорти ҳаракати ва юк ортиш-тушириш ишлари диспетчерлиги оператори

Штурман

Кема электромеханиги

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши**

**Ижтимоий-меҳнат масалалари
бўйича Уч томонлама комиссияга**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 1 ноябрдаги 02/1-2798-сон топшириғига биноан “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш бўйича ТАДБИРЛАР РЕЖАСИнинг 10-бандида таълим ташкилотларининг педагог ходимларига йиллик узайтирилган меҳнат таътили берилиши белгиланган. Педагог ходимлар иш вақтининг ва йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланиши кўрсатиб ўтилган.


Шунга кўра, Меҳнат кодексининг 501-моддасига мувофиқ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан таълим соҳаси ходимлари учун узайтирилган таътиллار муддатлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Айни пайтда таълим тизими ходимларининг таътилга чиқиш муддати яқинлашгани муносабати билан ушбу лойиҳага қисқа муддатда комиссия ҳулосасини беришингизни сўраймиз.

Таълим соҳаси ходимлари учун узайтирилган таътиллار муддатлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ____ варақда илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси

**Олий таълим, фан ва
инновациялар вазирлиги**

биринчи ўринбосари

02/02-807
2023 йил “22” март

Ўзбекистон Республикаси

**Мактабгача ва мактаб
таълими вазирлиги**

Д. Кенжаев

06-01/3-1032-сон
2023 йил “22” март

**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгаши**
раиси ўринбосари

115-5/122-сон
2023 йил “22” март

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими
ходимлари учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлигини тасдиқлаш
хақида**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 501 - моддасида педагог ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ходимлари учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ходимлари учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлигини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасига Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича

ЧЕКЛИСТ

Йўналишлар	Коррупциявий омиллар	Жавоблар			Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	бор	йўқ	✓	
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	бор	йўқ	✓	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор	йўқ	✓	
Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор	йўқ	✓	
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор	йўқ	✓	
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги	бор	йўқ	✓	
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	бор	йўқ	✓	
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ	✓	
	Кечиктириб тартибга солиш	бор	йўқ	✓	
	Манфаатлар тўқнашуви	бор	йўқ	✓	
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор	йўқ	✓	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш	бор	йўқ	✓	
	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар	бор	йўқ	✓	
Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор	йўқ	✓	
	Белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши	бор	йўқ	✓	
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор	йўқ	✓	
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ	✓	
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ	✓	
	Санкцияларнинг номутаносиблиги	бор	йўқ	✓	
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	бор	йўқ	✓	
Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ	✓	
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	бор	йўқ	✓	
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор	йўқ	✓	

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги, вазирлиги тизими ходимлари учун Меҳнат Кодексининг
501, 218 - моддаларига асосан белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат
таътилининг давомийлиги бўйича ҳужжат лойиҳаси юзасидан
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ходимлар ва иш берувчилар ўртасида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ходимларга бериладиган ҳар йилги меҳнат таътиллари борасида қатор нормалар белгиланди.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 218-моддасига мувофиқ ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллار айрим тоифадаги ходимлар учун ҳам улар меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларига ҳамда бошқа ҳолатларга қараб белгиланиши, бундай таътиллار олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг рўйхати ва ушбу таътиллارнинг давомийлиги қонунчиликда белгиланиши баён қилинган.

Таълим ташкилотларининг ўқитувчилар таркиби ва услубиётчиларига ҳар йилги меҳнат таътили ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида берилиши мазкур кодекснинг 223-моддасида қайд этиб ўтилган.

Бундан ташқари, кодекснинг 501-моддасида педагог ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан:

таълим ташкилотларининг педагог ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатдан ортиқ бўлмаган иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади ва йиллик узайтирилган меҳнат таътили берилиши;

педагог ходимлар иш вақтининг аниқ давомийлиги ва йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланиши қайд этилган.

Шунингдек, педагог ходимлар тоифасига кирувчи лавозимлар рўйхати тасдиқланиши назарда тутилган “Педагог ходимлар мақоми тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилмоқда.

Маълумот учун: ҳозирги кунга қадар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ва муассасалар ходимларига меҳнат таътиллари 1998 йил 25 июнда тасдиқланган рўйхат ҳамда 2018 йил 16 июлдаги қўшма қарор асосида белгиланган муддатларга мувофиқ берилиб келинмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ходимлари учун Тармоқ келишувига мувофиқ белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги ўрни ва обрў-эътиборини ошириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқоридагилар инобатга олиниб, нафақат ўқитувчилар, балки Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар учун ҳам Меҳнат Кодексининг 501, 218-моддасига асосан белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги бўйича ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ушбу жадвалдан қўшимча таътиллари бериш бўйича маълумотлар ҳам жой олди.

Жумладан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасалар бўйича лавозимлар кесимида асосий узайтирилган таътиллари, шунингдек, битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажи учун (МК 220-модда), ўн икки ёшга тўлмаган болаларнинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга (МК 401-модда), ноқулай меҳнат шароитларидаги иш учун (МК 481-модда), ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун (МК 483-модда) ҳар йилги қўшимча таътиллари назарда тутилмоқда.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари тизими ходимлари учун узайтирилган таътиллари категорияларга ажратилган ҳолда берилмоқда ва қўшимча таътиллари ҳам ишора қилинган.

Шу билан бирга, лойиҳанинг изоҳ қисмида қуйидагилар:

Меҳнат кодексининг 222-моддасига мувофиқ барча ҳолларда қонунчилик билан белгиланган таътиллари жамлашда уларнинг давомийлиги бир иш йили учун эллик олти календарь кундан ошиб кетиши мумкин эмаслиги, мазкур чеклов қонунчиликда назарда тутилмаган, жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, иш берувчининг қасаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинган ички ҳужжатларида ёхуд меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат таътилларига нисбатан татбиқ этилмаслиги;

Меҳнат кодексининг 218-моддасига биноан ўн саккиз ёшгача бўлган ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга уларнинг ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилиши тушунтириб ўтилмоқда.

Лойиҳа Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ ҳар ҳолда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Мазкур лойиҳа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил _____даги
 _____-сон қарорига
 ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ходимлари учун Меҳнат Кодексининг 501, 218-моддаларига асосан белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътили ва қўшимча таътиллار давомийлиги

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажига учун бериладиган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бирок жами саққиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камида тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
1. Умумий ўрта таълим муассасалари: бошланғич мактаб, умумий ўрта таълим мактаби, айрим фанларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлари, Президент мактаблари, Ижод мактаблари, Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари (<u>кар (эшитмайдиган) болалар учун мактаб-интернатлар, заиф эшитадиган ва кейинчалик қар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар, кўзи оқсиз (кўр) болалар учун «Нурли маскан» ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, нутқда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун мактаб-интернатлар, психик ривожлангани суст бўлган болалар учун мактаб-интернатлар, ақли заиф болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатлар</u>), Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (<u>сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар, сил ва нафас олиш органларининг сўрункали касалликлари хавфи бўлган гуруҳ болалари учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар</u>), Республика ўқув-тарбия муассасалари:			
Директор, ижрочи директор	56	-	-
Ўқув ишлари бўйича директор, махсус фанлар бўйича директор	56	-	-
Ўринбосари, ихтисослаштирилган фанлар бўйича директор ўринбосари,			

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта таъкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажини учун бериладиган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саққиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камида тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, тартиб ишлари бўйича директор ўринбосари, даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, Ваганпарварлик руҳида ёшларни тайёрлаш бўйича директор ўринбосари - Ҳарбий чақириқкача тайёргарлик раҳбари			
Директор маслаҳатчиси, мактаб маслаҳатчиси	56	-	-
Маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, хўжалик мудир	27	2-8	4
Ўқитувчи, ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед, эшитиш хонаси йўриқчиси	56	-	-
Психолог, ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчи, тўғарак раҳбари, мусика раҳбари, услубчи, таълим устаси	42	2-8	4
Катта тарбиячи, тарбиячи, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси, тунги тарбиячи, наватчи тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси	27	2-8	4
Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари катта тарбиячи, тарбиячи	56	-	-
Шифокор (барча турдаги)	42	2-8	4
Ҳамширалар (барча турдаги)	36	2-8	4
Кутубхона мудир, кутубхоначи, лаборант, таржимон-котиба, тиббий пункт мудир, жисмоний тарбия билан даволовчи йўриқчи, жисмоний тарбия йўриқчиси, сузиш бўйича йўриқчи, меҳнат бўйича йўриқчи	27	2-8	4
Юрисконсулт, бош ҳисобчи, ҳисобчи, кассир (ғазначи), кадрлар бўйича менежер (инспектор), паспортист, котиба-иш юритувчи, кир ювиш машинисти (қўлда ювилганда), бош ошпаз, ошпаз, омбор мудир, омборчи	27	2-8	4
Ошхона ишчиси, хўжалик бекаси (кастелянша), юмшоқ буюмлар бекаси,	21	2-8	4

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажу учун бериладиган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами сақсиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан биринга ҳар йили камида тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
Лавозимлар номи чойшаб тарқатувчи, устахона мудири, пойабзал таъмирловчи уста, тикувчи, кир ювувчи, кир ювиш машинисти (кир ювиш машинасида ювилганда), сартарош, ётоқхона наватчиси, чойшаб тарқатувчи, ёрдамчи ишчи, музей кузатувчиси, бино комендант, гардеробчи, лифтчи, протезчи техник, массажчи, гипс бўйича техник, санитар-энага (сантарка), хизмат кўрсатувчи техниклар Автобус ҳайдовчиси, автомобиль ҳайдовчи (енгил), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, боғбон, қоровул (назоратчи), бино ишчиси, электромонтёр, чилангар (сантехник), дурадгор, ҳаммомчи, хлорлаш қурилмаси дезинфектори, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган) ва бошқа ишчи-хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	2-8	4
2. Жисмоний ёки психик ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган ҳамда реабилитация марказига эга бўлган давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари			
Директор, директорнинг даволаш ишлар бўйича ўринбосари, директорнинг таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, директорнинг умумий ишлар бўйича ўринбосари	56	-	-
Ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог	56	-	-
Тарбиячи-услубчи, тарбиячи	56	-	-
Музыка раҳбари, хореограф	56	-	-
Психолог	42	2-8	4
Шифокор (барча турдаги)	42	2-8	4
Юрисконсулт, бош ҳисобчи, ҳисобчи, кадрлар бўйича мутахассис, ҳисобчи-кассир	27	2-8	4
Ўрта тиббиёт ходимлари, тиббиёт ҳамшираси жумладан, тунги вақт учун	27	2-8	4
Тиббий жисмоний тарбия бўйича йўриқчи, йўриқчи методист, сузиш	27	2-8	4

Лағозимлар номи	Йиллик узайтирилган мехнат таътили (календарь кунда)	Битта ташиклотда ёки тармокда кул йиллик иш стажи учун бериладиган хар йилги кушимча мехнат таътили (МК 220-моддасига асосан хар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун буйган, бироқ жами саккаш календарь кундан кун булмаган)	12 ёшга тулмаган болалар ёки 16 ёшга тулмаган ногиронлиги булганларнинг ота-онасидан бирига хар йили камда турт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
буйича йурикчи, тиббий руйхатдан утказувчи, укаловчи (массахчи) , тарбиячи ёрдамчиси			
Бош ошпаз, ошпаз, омбор мудири, омборчи, хужалик мудири, чойшабларни юувуви машинист (кулда ювилганда)	27	2-8	4
Ошхона ишчиси, автобус хайдовчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), ут ёкувчи (мавсумий булмаган), чилангар-сантехник, электромонтёр, чойшабларни юувуви машинист (кир ювиш машинасида ювилганда), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, санитар-энага, қоровул, богбон, тиббий асбоб-ускуналарни таъмирлаш буйича механик ва бошқа ишчи- хизмат курсатувчи ходимлар	21	2-8	4
3. Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташиклотлари			
Директор	42	2-8	4
Тарбиячи-методист	42	2-8	4
Тарбиячи	42	2-8	4
Музыка рахбари, хореограф	42	2-8	4
Укутувчи, укутувчи-логопед, укутувчи-дефектолог	56	-	-
Психолог	42	2-8	4
EMIS маркази рахбари, IT буйича мутахассис	27	2-8	4
Жисмоний тарбия йурикчиси, сузиш буйича йурикчи	27	2-8	4
Тарбиячи ёрдамчиси, жумладан, тунги вақт учун	27	2-8	4
Урта тиббиёт ходимлари, тиббиёт хамшираси жумладан, тунги вақт учун	27	2-8	4
Даволовчи жисмоний тарбия йурикчиси, йурикчи методист	27	2-8	4
Бош ошпаз, ошпаз, хужалик мудири, чойшабларни юувуви машинист (кулда ювилганда), иш юритувчи	27	2-8	4

Лағозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажи учун бериладиган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўн бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камидан тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
Автобус ҳайдовчиси, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), чилангар-сантехник, электромонтёр, дезинфектор, чойпабларни ювувчи машинист (кир ювиш машинасида ювилганда), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, қоровул, боғбон, ошхона ишчиси, бино ва иншоотларга комплекс хизмат хизмат кўрсатувчи ҳамда таъмирловчи ишчи ва бошқа ишчи-хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	2-8	4
4. Баркамол авлод болалар мактаблари			
Директор, директор ўринбосарлари	42	2-8	4
Услубчилар, тўғарак раҳбарлари	42	2-8	4
Хўжалик мудир, сайёҳлик базаси мудир	27	2-8	4
Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи, ҳисобчи, юрисконсулт, кассир, кадрлар бўйича (бош) мутахассис, мониторинг бўйича мутахассис, ахборот технологиялари бўйича мутахассис, халқаро алоқалар бўйича мутахассис, ахборот-ресурс маркази мутахассиси, маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчиси, сайёҳат ташкилотчиси, экскурсовод, иш юригувчи, ҳамшира, бош ошпаз, ошпаз ва бошқа мутахассислар	27	2-8	4
Ошпаз ёрдамчиси, хўжалик бекаси (кастелянша), кир ювувчи, ётоқхона навбатчиси, либосхона мудир, безакчи рассом, аккомпаниатор (жўрнавоз)	21	2-8	4
Хизмат кўрсатувчи ва ишчи ходимлар (мусика чоғлуларини созловчи, фондларни сакловчи, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, боғбон, қоровул, автобус ҳайдовчиси, автомобиль ҳайдовчи (енгил), электромонтёр, чилангар (сантехник), дурадгор)	21	2-8	4
5. Ўқувчи ёшлар маркази			
Директор, директор ўринбосарлари	27	2-8	4
Услубчи, тўғарак раҳбарлари	42	2-8	4

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажини учун бериладиган хар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан хар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саққиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига хар йили камиди тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
Бош ҳисобчи, кадрлар бўйича инспектор, муҳандис, маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчиси, котиба-иш юритувчи, омбор мудири	27	2-8	4
Ошпаз ёрдамчиси, хўжалик бекаси (кастелянша), кир ювувчи, ётоқхона наватгачиси, либосхона мудири, безакчи рассом, аккомпаниатор (жўрнавоз)	21	2-8	4
Хизмат кўрсатувчи ва ишчи ходимлар (ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, боғбон, қоровул, ишчи, автобус хайдовчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), электромонтёр, чилангар (сантехник))	21	2-8	4
6. “Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасаси			
Директор, умумий ўрта таълимни ташкил этиш бўйича директор ўринбосари, мактабгача таълим ва тарбияни ташкил этиш бўйича директор ўринбосари (методист), филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича директор ўринбосари	27	2-8	4
Умумий ўрта таълимни ташкил этиш бўйича педагог ходимлар, дефектолог, психолог, мусика раҳбари, тарбиячи	42	2-8	4
Бош ҳисобчи, кадрлар билан ишлаш бўйича инспектор, хўжалик мудири, тарбиячи ёрдамчиси, котиба, бошқа техник ва ёрдамчи ходимлар	27	2-8	4
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	2-8	4
7. Меҳрибонлик уйлари (Болалар шаҳарчаси)			
Директор, директорнинг тарбия ишлари бўйича биринчи ўринбосари, ўқув, маънавий-маърифий ишлар, ижтимоий ҳимоя бўйича ўринбосарлари	56	-	-
Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед, мусика раҳбари, катта тарбиячи, тарбиячи, жисмоний тарбия бўйича йўриқчи, тренер-йўриқчи, меҳнат бўйича йўриқчи, тўғарак раҳбари	56	-	-
Психолог, шифокор	42	2-8	4
Юрисконсулт, бош ҳисобчи, ҳисобчи, кадрлар бўйича менежер	27	2-8	4

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажу учун бериладиган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саққиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камидан тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
(инспектор), кутубхона мудир, кутубхоначи, тарбиячи ёрдамчиси			
Ҳампира, жисмоний тарбия билан даволовчи йўриқчи, сузиш бўйича йўриқчи, бош ошпаз, ошпаз	27	2-8	4
Омборчи, чойшаб таркатувчи, тикувчи, ёрдамчи ишчи, маҳсус кийим (чойшаб)ларни ювувчи машинист, саргарош, пойафзал таъмирловчи уста, техник, автобус хайдовчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), қоровул, ховли супурувчи, боғбон, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмат хонаси фарроши, бино ишчиси, электромонтёр, чилангар-сантехник, дезинфектор ва бошқа ишчи-хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	2-8	4
8. Вазирлик тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар таълими муассасалари			
Директор, ижрочи директор, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари, чет тиллари бўйича директор ўринбосари, ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, ишлаб чиқариш таълим бўйича директор ўринбосари	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар ходимларига бериладиган асосий ва қўшимча таътил кунлари мuddатлари татбиқ қилинади		
Молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари			
Ўқитувчилар, ҳарбий тайёргарлик раҳбари, жисмоний тарбия раҳбари			
Психолог, ёшлар етакчиси, тўғарак раҳбари			
Услубчи, тарбиячи, кутубхоначи			
Бўлим бошлиғи, инспектор, катта уста, устахона мудир, ишлаб чиқариш таълими устаси, лаборант, ҳампира			
Бош хисобчи, хисобчи, кадрлар бўйича инспектор, ахборот-ҳисоблаш тармоғи администратори, хўжалик мудир			
Ётоқхона навбатчиси, таъмирловчи-чилангар, чилангар-сантехник, омборчи, механик, электромонтёр, дурадгор, хизмат хонаси фарроши, бино ишчиси, гардеробчи, қоровул, ховли супурувчи, боғбон, хўжалик бекаси, автобус хайдовчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган)			

Лағозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёкин тармоқда кўп йиллик иш стажин учун бериладиган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саққиз календарь кундан кўн бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камиди тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
9. Вазирилик ва агентлик ҳузуридаги ташкилот ва муассасалар (юқорида кўрсатилмаган), А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти, Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда университети ҳузуридаги ташкилотлар			
Ректор, проректорлар, бош директор, директор, бош директор ўринбосари, директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, факультет декани, факультет декани ўринбосарлари	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар ходимларига бериладиган асосий ва қўшимча таътил кунлари мuddатлари татбиқ қилинади		
Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Республика педагогик таълим ресурс маркази директори, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори	27	2-8	4
Профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқитувчилар, шу жумладан, кафедра мудири, ҳарбий раҳбар, жисмоний тарбия раҳбари, илмий-тадқиқот бўлимлари раҳбар ва илмий ходимлари, илмий маслаҳатчи, илмий котиб	56	-	-
Республика таълим маркази фан методистлари, Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари фан методистлари	42	2-8	4
Психолог	42	2-8	4
Бош муҳаррир, бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб, бўлим муҳаррири	27	2-8	4
Ректор маслаҳатчиси, бош директор маслаҳатчиси, директор маслаҳатчиси, ректор (директор) ёрдамчиси, кенгаш котиби, матбуот котиби, бўлим (шўба) бошлиғи (мудири), марказ мудири, гуруҳ раҳбари, услубчи (методист), бош ва етакчи библиограф, бош ва етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, юрисконсульт, бош ҳисобчи, ҳисобчи, иктисолчи, менежер,	27	2-8	4

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажи учун бериладиган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами сақсиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камиди тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
ҳодимлар бўйича назоратчи (мутахассис), бош, етакчи ва бошқа мутахассислар, тарбиячи-педагог, тюртор, кассир, концертмейстер, ишлаб чиқариш таълими устаси, лаборант, кабинет мудири			
Архивариус, иш юритувчи-котиба, тармоқ администратори, муҳандис- дастурчи, муҳандис электрончи, веб дизайнер, контент-менеджер, техник электрончи, техник, курьер, инспектор (назоратчи), координатор, маркетолог, омбор мудири, қатта товаршунос, бино комендант, талабалар турар жойи мудири, бошқа техник ва ёрдамчи ходимлар	27	2-8	4
Мусаххих, компьютер оператори, автобус хайдовчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), қоровул, ҳовли супурувчи, боғбон, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмат хонаси фарроши, бино ишчиси, электромонтёр, чилангар-сантахник ва бошқа хизмат кўрсатувчи ишчи ходимлар	21	2-8	4
10. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги агентлик ҳамда ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари			
Барча ходимлар	27	2-8	4

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар ходимларига
бериладиган асосий ва қўшимча таътил кунлари муддатлари**

(Календар кунларда ҳисобланади)

T / P	Лавозимлар категориялари	Асосий таътил кунлари (МК, 217- модда)	Қўшимча таътил кунлари (МК, 219- модда)	Тармоқ ёки ташкилотларда кўп йиллик иш стажи учун ҳар беш йил учун 2 кундан 8 кунгача (МК, 220-модда)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг отонасдан бирига (МК, 401-модда)
1	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари	27	3	2-8	4
2	Маъмурий-бошқарув ходимлари	21	9	2-8	4
3	Ўқув-ёрдамчи ходимлар	21	9	2-8	4
4	Техник ходимлар	21	3	2-8	4
5	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	3	2-8	4
6	Профессор - ўқитувчилар	56	0	0	0
7	Қасаба уюшма қўмитаси раиси	21	9	2-8	4